



ТЕХНИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ПРАГМАТИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Сакбаева В.В.

*Термиз муҳандислик-технология институти
Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири*

Таянч сўзлар: прагматик компетенция, структуралаш, прагматик компетентсияни ривожлантириш, модернизатсия, муҳим кадрият, таълим жараёни, таълим сифатини баҳолаш, тил ўқитишнинг асосий мақсади.

Ключевые слова: прагматическая компетентность, структурирование, развитие прагматической компетентности, модернизация, сущностная ценность, образовательный процесс, оценка качества образования, основная цель преподавания языка.

Key words: pragmatic competence, structuring, development of pragmatic competence, modernization, essential value, educational process, evaluation of educational quality, the main goal of language teaching.

Кириш. Сўнги бир неча ўнг йиллик давомида прагматик ҳодисаларни у ёки бошқа даражада тасвирлайдиган бир қатор турли моделлар пайдо бўлганлигини таъкидлаш лозим. Ўз индивидуал истикболи/перспективаси билан бир-биридан фарқ қилсада, уларда бир қатор умумий (муштарак) хоссалар, томонлар мавжуд. Биринчи навбатда, бу моделларнинг икки томонлилиги структураси билан боғлиқ. Бу барча бундай моделларда баённинг бевосита кодини ташкил этувчи қандайдир бир лисоний (лингвистик), бошқача тарзда эса грамматиқ деб номланадиган компонент мавжудлигини англатади.

Адабиётлар тахлили. Юқорида зикр қилинганидек, прагматикани илм-фан сифатида ҳам, прагматик компетенциянинг натижаси/оқибати сифатида ҳам яхшироқ тушуниш учун прагматиканинг баъзи қоидалари, ғояларини ўрганиб чиқиш маъқул. Нутқий амаллар назария прагматикадани фундаментал (энг асосий) назариялардан бири ҳисобланади. Тилшуносликда ва



тил фалсафасида нутқ амали – тилда ва коммуникацияда/мулоқотда перформатив функцияга эга баён (айтилган сўз, гап, фикр, изҳор) ҳисобланади. Олим Ж.Л. Остинга кўра, нутқ амалларини уч даражада таҳлил қилиш мумкин (Austin J.L., 1962):

локутив амал (акт), яъни баённи талаффуз этиш: ҳар қандай баённинг оғзаки-вербал, синтактик ва семантик аспектларига мувофиқ/мос келадиган фонетик, фактик ва ритуал амалларни ўз ичига оладиган фактик (амалга оширилган) баён ва унинг ўз-ўзидан аён маъноси;

иллокутив амал (акт): баённинг прагматик “иллокутив кучи”, яъни унинг берилган/ушбу ижтимоий-маданий контекстда мос келувчи сўз билан ифодаланадиган амали сифатида назарда тутилган маъноси;

перлокутив амал (акт): айтилган баённинг (фикр, сўз, гапнинг) асл фактик натижаси (таъсири), масалан, бу олдиндан режалаштирилган бўлган, бўлмаганлигидан қатъий назар кимнидир ниманидир қилишга ёки ниманидир тушунишга кўндириш/ишонтириш, кўрқитиш, маърифат бериш, илҳомлантириш ёки мажбур қилиш.

Демак, хорижий тилнинг прагматик меъёрларини билиш ҳамсухбатдан исталган перлокутив амални олишни таъминлайди, яъни самарали уоммуникацияни/мулоқотни таъминлайди.

Прагматик компетенция – шахснинг баённи (айтиладиган, ёзиладиган фикрни) қуриш қоидаларини талқин қилиш ва қўллаш, баёнларни (фикрларни) турли коммуникатив функциялар учун коммункантларнинг (мулоқот иштирокчиларининг) хусусиятлари ва коммуникациянинг ижтимоий ва маданий контекстига мувофиқ равишда қўллаш қобилияти ҳисобланади.

Хорижий тилда коммуникатив компетенциянинг таркибий қисми сифатидаги прагматик компетенциянинг компонент таркиби қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

а) ижтимоий компонент (коммуникациянинг ижтимоий контекстлари ва мулоқот иштирокчиларининг ижтимоий ролларини талқин қила олиш қобилияти; коммуникациянинг ижтимоий мақбул услубини танлай олиш қобилияти);

б) ижтимоий-лисоний (социолингвистик) компонент (ҳамсухбатнинг ижтимоий сиймосини/портретини яратиш учун нутқ баёнини (ижтимоий маънолар, регистрнинг вариациялари ва модаллик) талқин қилиш қобилияти)); коммуникация мақсадига танланган ижтимоий ролларга мувофиқ эришиш учун зарур тил ва нутқ воситаларидан фойдаланиш қобилияти));



в) ижтимоий-маданий компонент (маданиятлараро шахслараро ўзаро фаолият шароитларида она тили ва назарда тутилаётган (ўрганилаётган) тилнинг мамлакатларининг маданий аспекти ҳақида олинаётган ахборотни талқин қила олиш қобилияти;

г) нутқ компоненти (ҳамсуҳбат томонидан амалга оширилган нутқ жанрлари танловини, нутқий баённинг когезияси ва когерентлигини талқин қила олиш қобилияти; коммуникатив вазифаларни бажариш учун нутқий мулоқотни қуриш қоидаларига мувофиқ нутқий мулоқотни танлаш ва амалга ошириш қобилияти; д) компенсатор компонент (қайта сўраб олиш, анпиқлик/ойдинлик қиритиш, ахборот-маълумотнома/справочная ресурсларидан фойдаланиш йўли билан тил ва ижтимоий-маданий масалаларда тушунилмаган жойларни, бўшлиқларни тўлдириш қобилияти.

Таҳлил ва натижа. Коммуникация мақсадига боғлиқ равишда тилни контекстуал қўллашга қаратилганлик (таяниш, мўлжалланганлик) иккинчи компонент бўлиб хизмат қилади. Прагматик компетенциянинг бундай контекст ва маънонинг боғлиқлигининг икки томонга йўналтирилганлиги ҳоссаси барча моделларда кузатилади. Бу хорижий тилга ўқитилаётган таҳсил олувчиларнинг прагматик компетенциясини шакллантиришнинг муҳимлигини кўрсатади.

Демак, прагматик компетенция баёнларни қуриш, уларни мантга бирлаштириш (дискурс) билимлари, қоидалари йиғиндисидан, баённи турли коммуникатив функциялар учун қўллаш малакаси, хорижий тилда баёнларни коммуникантларнинг ўзаро фаолиятининг хусусиятлари ва ижтимоий-маданий контекстга мувофиқ тарзда қура олиш малакасини ифодалайди. Ушбу компетенция баённи коммуникатив ва прагматик мақсадга мувофиқ қура олиш қобилиятида ифодаланади. Прагматик компетенция қуриладиган учта тамойил мавжуд. Улардан биринчиси – ифода этилаётган фикрнинг (нарса, ҳодиса, тушунча, воқеанинг) маъноси. Иккинчи тамойил – ҳамсуҳбатларнинг бир-бирлари билан ва контекстнинг улар билан ўзаро фаолияти, ва контекстнинг ўзи эса учинчи тамойил ҳисобланади.

Прагматик компетенциянинг хорижий тилдаги коммуникатив компетенция таркибидаги ўрнини белгилагач, унинг турли моделларини кўриб чиққач, биз прагматик компетенциянинг ўзининг компонентларини батафсил ўрганишга ўтишимиз лозим. Прагматик компетенциянинг структуралаштирилган моделини таклиф этиш мақсадида, биз даставвал прагматик маънонинг Ж. Пурпура (Purpura J., 2004: 91) таклиф этган таркибини батафсил ўрганиб чиқишни таклиф этамиз. (1-жадвал.)

1-жадвал

Прагматик билимнинг Ж. Пурпура версиясига кўра структураси

<u>Прагматик маънолар</u>	<u>Маъноларнинг тушунтирилиши</u>
<u>Контекстуал</u>	- <u>шахслараро</u>
<u>Ижтимоий-лисоний</u>	<u>ижтимоий индикаторлар</u> (<u>ёш, жинс ва ҳоқ.</u>); <u>маданий индикаторлар:</u> <u>ижтимоий маънолар:</u> <u>модаллик ва регистр:</u> <u>ижтимоий меъёрлар:</u> <u>регистр ва жанрнинг вариациялари</u>
<u>Ижтимоий-маданий</u>	<u>маданий маънолар:</u> <u>маданий меъёрлар:</u> <u>модалликда вариативлик</u>
<u>Психологик</u>	- <u>эмотивлик</u>
<u>Риторик</u>	<u>когерентлик:</u> <u>жанрларнинг турли туманлиги:</u> <u>ташқил этилганлик</u>

Бир вақтнинг ўзида, мамлакатимизда хорижий тилларни ўқитиш методикасида хорижий тилда коммуникатив компетенциянинг таркибига кирувчи қуйидаги компетенцияларни ажратиб кўрсатиш қабул қилинган: “тил, нутқ, ижтимоий-маданий, компенсатор ва ўқув-билиш” компетенциялари (Бим И.Л., 2002). Коммуникатив компетенциянинг бир таркибий қисми сифатидла прагматик компетенция ушбу элементлар билан алоқадар ҳисоланади (боғланган).

Талабаларнинг прагматик компетенциясини шакллантиришга йўналтирилган ўқитишнинг мазмунини белгилайди. Ушбу мазмун 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Талабаларнинг прагматик компетенциясини шакллантиришга йўналтирилган ўқитишнинг мазмуни

Компонент номи	Мазмун
Ижтимоий	коммуникациянинг ижтимоий контекстларини ва мулоқот иштирокчиларининг ижтимоий ролларини талқин қилиш қобилияти; коммуникациянинг ижтимоий мақбул услубини танлай олиш қобилияти.



Ижтимоий-лисоний	ҳамсуҳбатнинг ижтимоий сиймосини/портретини яратиш учун нутқ баёнини талқин қила олиш қобилияти (ижтимоий маънолар, регистрнинг вариациялари ва модаллик); коммуникация мақсадига танланган ижтимоий ролларга мувофиқ равишда эришиш учун зарур тил ва нутқ воситаларини қўллаш қобилияти
Ижтимоий-маданий компонент	маданиятлараро шахслараро ўзаро фаолият шароитларида она тили ва хорижий тил мамлакатларининг маданий аспекти ҳақида олинаётган ахборотни талқин қила олиш қобилияти; коммуникатив вазифаларни ечиш учун она тили ва ўрганимлаётган тил мамлакатлари маданияти ҳақидаги билимларни қўллаш қобилияти
Нутқ компоненти	ҳамсуҳбатнинг нутқ жанрлари, нутқ баёнининг когезияси ва когерентлигини тьянловини талқин қилиш қобилияти; коммуникатив вазифаларни ечиш учун нутқ хабарини нутқ баёнини қуриш қоидаларига мувофиқ танлаш ва амалга ошириш қобилияти
Компенсатор компонент	- қайта сўраб олиш ойдinлик киритиш, ахборот-маълумотнома ресурсларидан фойдаланиш йўли билан тилда ва ижтимоий-маданий билимлардаги камчиликларни бартараф этиш/тўлдириши қобилияти

Ж. Пурпуранинг моделида контекстуал маъно мавжуд. Прагматик компетенциянинг биз берган компонент таркибимизда, биз ушбу элементни чиқариб ташлашни таклиф этамиз, зеро ҳар қандай шахслараро коммуникациянинг контексти ижтимоий, ижтимоий-лисоний ёки ижтимоий-маданий контекстдан ташқарида кела олмайди (бериб бўлмайди).

Хулоса. Прагматика ва хорижий тилни ўқитишни ажратиб бўлмайди, чунки улар алоқа билан боғлиқ бир муҳим жиҳатни баҳам кўришди. Умуман тилни ўргатиш ва хорижий тилни аниқ ўргатиш контекстда маънони англашни ўз ичига олиши керак. Ўқитувчилар талабаларнинг прагматик онгини ривожлантириш учун ўзларининг прагматик компетенцияларидан хабардор бўлишлари керак. Талабаларга ўргатиладиган енг муҳим билим-бу мулоқот учун тилдан фойдаланиш қоидалари. Талабалардан жамиятнинг бир қисми сифатида уларни қўллаб-қувватлайдиган мулоқот қобилиятларига ега бўлиш талаб етилади. Талабалар нафақат синфда, балки синфдан ташқари тил



ёки ҳақиқий дунё билан ҳам самарали мулоқот қилишлари керак. Шунинг учун хорижий тилни ўқитиш талабаларнинг коммуникатив компетенциясини ривожлантиришдан иборат бўлган хорижий тилни ўқитишнинг асосий мақсадини амалга оширишда асосий рол ўйнаши керак. Бунинг бир усул-хорижий тилни ўқитиш ва прагматикани аудиторияда бирлаштириш.

Адабиётлар:

1. CARSTENS, Adelia. 2002. Speech act theory in support of idealized warning models. In Journal of southern African linguistics and applied language studies, October 2002, vol. 20, no. 4, pp. 191-200.
2. Cummings, L.(2005). Pragmatics: A Multidisciplinary Perspective. Edinburgh: Edinburgh University Press.
3. Cohen, A.D. (2012). Teaching pragmatics in the second language classroom. The European Journal of Applied Linguistics and TEFL, 1(1), 35-49. Retrieved April 29, 2015
4. http://jtls.shirazu.ac.ir/article_622_c00b67e043234250164d19dfda24a3f4.pdf. Mirzaei, A., Roohani, A., & Esmaceli, M. (2012). Exploring pragmalinguistic and sociopragmatic variability in speech act production of L2 learners and native speakers. The Journal of Teaching Language Skills, 4(3), 79-102.
5. Sakbayeva, V.V. Development of pragmatic skills as an integral part of teaching foreign languages in non-philological higher education institutions. Xorazm Ma'mun akademiyasi axborotnomasi OAK. -2023-6/3 145-148 bet, 2023-yil. UDC 372.8
6. <https://www.macmillandictionary.com/learn/pragmatics/lesson-plan/warn.html>

РЕЗЮМЕ

Маълумки, дунё бўйлаб ўқитиш муҳити, одатда ўқитувчиларга йўналтирилган бўлиб, ўқувчилар прагматик маъноларни англаш ва ривожлантириш билан шуғулланишганда, ўқув дастури тил амалиётини энгиллаштириш учун дарслар давомийлиги минимал вақт билан бажариш учун тузилган. Ва реал дунёда суҳбатни тахмин қиладиган вазиятларда ўрганилаётган тилидан фойдаланиш имкониятлари чекланган. Шу сабабли, мен чет эл тилини ўқитишда прагматик компетенциянинг интеграциясини тадқиқ қилишни бошлаш муҳимлигини англадим. Тилни ўрганишнинг якуний мақсади мулоқот бўлганлиги сабабли, ушбу мақсадга ҳисса қўшадиган тадқиқотларни прагматизм орқали ўтказиш муҳимдир. Ушбу мақсад коммуникатив компетенцияни ривожлантиришга унчалик аҳамият берилмаган шароитларда, айниқса ESP контексти учун янада зарурроқ кўринади.

РЕЗЮМЕ

Хорошо известно, что учебная среда во всем мире, как правило, ориентирована на преподавателя, а учебная программа разработана таким образом, чтобы облегчить языковую практику с минимумом времени урока, в то время как учащиеся занимаются пониманием и развитием прагматических значений. И возможности использовать изучаемый язык в ситуациях, которые предполагают общение в реальном мире, ограничены. Поэтому я понял, что важно начать исследовать интеграцию прагматической компетенции в преподавание иностранного языка. Поскольку конечной целью изучения языка является общение, важно проводить исследования, которые способствуют достижению этой цели с помощью прагматизма. Эта цель кажется еще более необходимой в контекстах, где развитие коммуникативной компетенции менее важно, особенно в контексте ESP.

SUMMARY

It is well known that the teaching environment around the world is usually teacher-centered, and the curriculum is designed to facilitate language practice with a minimum of lesson time, while students are engaged in understanding and developing pragmatic meanings. And the opportunities to use the language being learned in situations that predict real-world conversation are limited. Therefore, I realized that it is important to start researching the integration of pragmatic competence in foreign language teaching. Since the ultimate goal of language learning is communication, it is important to conduct research that contributes to this goal through pragmatism. This goal seems even more necessary in contexts where the development of communicative competence is less important, especially in the context of ESP.